



# ТАЙИНЛАНДИЛАР

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлими бошлиғи, подполковник Бахтияр Равильевич АСРАРОВ.

Бахтияр Равильевич Асраров 1970 йилда туғилган. Маълумоти олий, Андижон Давлат тиббиёт институти таъминлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2003 йилда республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ўқитувчиси лавозимидан бошлаган. 2003–2010 йилларда ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг тиббиёт хизмати бошлиғи – катта ўқитувчи, ИИБ Марказий поликлиникаси бошлиғининг тиббий қисми, сафарбарлик ва фуқаролар ҳимояси масалалари бўйича ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



Наманган вилояти Мингбулоқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Санжар Маҳмадомалимович АБДУЛЛАЕВ.

Санжар Маҳмадомалимович Абдуллаев 1977 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини таъминлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2000 йилда Наманган вилояти Уйчи тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 2001–2010 йилларда Наманган вилояти ИИБ ЖК ва ТҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари – бош мутахассис, бўлинма бошлиғи, Янгиқўрғон тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖК ва УЖКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



## Анжуман

# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИГА БАҒИШЛАНДИ

**Президентимиз Ислам Каримов республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» номли маърузасида парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги ва қонун ҳужжатлари ижроси механизми билан боғлиқ камчиликларни кўрсатиб ўтган эдилар.**

Жумладан, «Келгусида қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонуна кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан марказда ва жойларда кенг фойдаланиш учун барча зарур чораларни кўриши керак.

Давлат тузилмалари раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун ҳужжатларини ижро этиш бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш парламент фаолиятининг кундалик ишига айлиши даркор», дея таъкидлагандилар.

Жорий йилнинг 2 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида ўтказилган илмий-амалий конференция айнан қонунлар ижроси мониторинги масалаларига бағишланди. Мазкур институт директори Ш. Файзиев ўз маърузасида масаланинг назарий ва амалий жиҳатларига атофлича тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов ўз чиқишида қонунлар ижросини таъминлашда парламент назарий-таҳлил фаолиятининг ўрни ва аҳамияти ҳусусида гапирди.

Олий Мажлис Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М. Хўжамбердиев эса «Қонун ҳужжатлари ижроси мониторингини амалга оширишда Олий Мажлис Сенатининг ўрни ва устувор вазифалари» мавзусида маъруза қилди. Ҳар иккала маърузачи ҳам «Юртбошимизнинг парламент фаолиятидаги қонунлар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ камчиликлар ҳақидаги фикрларидан келиб чиқиб, бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан келгусидаги вазифалар борасида мулоҳаза юритдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси бошлиғи Б. Қўчқоров ўз чиқишида ҳуқуқатимизнинг қонунлар ижросини таъминлаш ва уларнинг мониторингини юритиш бўйича фаолиятининг устувор йўналишлари ҳусусида батафсил тўхталди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази директори – Адлия вазири ўринбосари Х. Исоқов «Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мониторингининг долзарб масалалари», республика Бош прокуратураси Олий ўқув курслари бошқаруви раиси Ф. Шодмонов эса «Қонунлар ижросини самарали таъминлашда прокуратура органларининг вазифалари» мавзусида маъруза қилдилар.

Барча сўзга чиққанлар ташкил этилганга роппа-роса беш йил тўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги жамоасини ўшбу сана

муносабати билан самимий табриқладилар. Улар мазкур институт ходимлари томонидан қонун лойиҳаларини ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб, эксперт хулосаларини тайёрлаш, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини юритиш ва бошқа йўналишларда улкан ишлар амалга оширилиб, бой тажриба тўпланганини таъкидлашди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, ижро этувчи ҳокимият вакиллари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа идоралар ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, нодавлат нотижорат ташкилотлар, юридик йўналишдаги олий ўқув юрталари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда қонун ҳужжатлари мониторинги, шу жумладан, қонунларнинг амалий ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бобомурод ТОШЕВ.

## Мурувват

# БОЛАЛАР ҚУВОНСА – ОЛАМ ЯШАРАР

Халқимиз болажон. Нимаки яхши нарсалар бўлса фарзандларга раво кўради. Қалблари чашма сувидек тиниқ, ҳар бир қарши, сўзларида беғуборлик уфуриб турувчи болажонлар – эртанимиз давомчилари.

Диёримизда Наврўз шодиёналари давом этаётган паллада кексаларни зиёрат қилиш, етим, ногирон болаларга меҳр кўрсатиш каби тадбирлар ташкил этилаёпти. Уқсик кўнгилни шод этиш нақадар савобли иш эканлигини сўз билан ифодалаш кийин. Зеро, газал мулкнинг султони, улуг мутафаккир, ҳазрат бобомиси Алишер Навоий айтганларидек:

**Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай, Онча борким Қазба вайрон бўлса обод айлагай.**

Наврўз тантаналари давом этаётган шу кунларда Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйида Баркамол авлод йили муносабати билан ўтказилган тадбирда ҳам меҳридарё, саховатли халқимизнинг бу олижаноб фазилати янада теранроқ намоён бўлди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хотин-қизлар кенгаши аъзолари вазириликнинг мустақил бош бошқармалари, бошқармалари, ўқув муассасалари ва Бирлашган тахририяти вакиллари билан ҳамкорликда мазкур Меҳрибонлик уйига ташриф буюришди.

Тадбирда сўзга чиққан вазирилик Хотин-қизлар кенгаши раиси, полковник К. Султонова Президентимиз томонидан 2010 йилни Баркамол авлод йили деб эълон қилинганлиги ва бу борада амалга оширилаётган ишлар замирида аввало, ёш авлодни, бардам-бақувват, соғлом инсон бўлиб вояга етиши учун қилинаётганини алоҳида таъкидлади. Бунга жавобан болалар яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз орзу-ниятларига етишиши учун намунали хулқ эгаси, чуқур билим соҳиб бўлиши даркорлигини айтди.



Меҳмонлар ИИБ Тергов бош бошқармаси, Хотин-қизлар кенгаши, Республика «Қўриқлаш» бирлашмаси, ТОХТБЮ, Ахборот маркази ва ИИБ Бирлашган тахририяти томонидан тарбияланувчиларга атаб олиб келинган плазмали телевизор тўплами, турли кийим-кечак, спорт анжомлари, китоблар, ўйинчоқ ва қандолатчилик маҳсулотларини бирин-кетин болажонларга топширишди. Совгаларни қўлларига олган тарбияланувчиларни кузатар эканмиз, уларнинг чеҳрасидаги табасум, мамнуниятни кўриб кўнгиллар тоғдек кўтарилди.

Қувончини яширолмаб ҳаяжонланётган болажонлар миннатдор бўлиб, ўзларининг бадий дастурини ҳавола этдилар. Улар томонидан миллий аъ-

аналаримиз ўз аксини толган дастурлар намойиши тадбирга ўзгача шуқуқ бахш этди. Шунингдек, болажонларга шодлик улашиш мақсадида вазирилик ИИБ Ашула ва ракс ансамблининг хонандалари ҳам уларга концерт дастурларини намойиш этишди. Болажонлар дилдан яйраб, рақсга тушишди.

– Ҳар қандай йилнинг хосияти кўкларнинг илк нафасидан маълум бўлганидек, биз ёруғ келажагимизни ёш авлодимиз тимсолида кўрамиз, – дейди республика ИИБ Хотин-қизлар кенгаши раиси, полковник Курбонбиби Султонова. – Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт».

– Тўғриси, Меҳрибонлик уйи

тарбияланувчилари кўзидаги қувонч, шодлик бизни жуда руҳлантириб юборди, – дейди ИИБ ШТБХ катта инспектори, майор Б. Содикова. – Мурувват, саховат, эзгулик айёми болажонлар қалбидан бир умр қолади, албатта.

– Меҳрибонлик уйида юзга яқин болалар тарбияланади, – дейди маскан директори Фарид Кенжаева. – Бундай хайрли тадбирлар ўғил-қизлар қалбидан она-Ватанга садоқат, ватанпарварлик, юртни севиш, уни ардоқлаш, асраш каби фазилатларини ўй-ғотса ажабмас. Бу тадбирни уюштирганлар, меҳр ва саховат кўрсатганларга ташаккур билдирамиз.

Ота-оналарнинг турли сабабларга кўра фарзандларидан воз кечиши, ташлаб кетиши, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиши боис мазкур даргоҳда тарбияланаётган уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларнинг дилига малҳам, ўқсик қалбларига далда бериш, ҳаётларини тўғри изга солиш, йўл-йўриқ кўрсатиш, бахтли бўлишларига имкон яратиш мақсадида ҳуқуқатимиз томонидан кенг қамровли савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

– Ёшим ўн олтида, – дейди тарбияланувчи Шерзод Бозоров. – Бугунги тадбирдан жудаим хурсанд бўлдим. Детектив китобларни кизиқиб ўқийман. Ички ишлар идоралари ходимларига ҳавас қиламан. Келажақда шу касбни эгаллаш ниятим бор.

Бу ерда болалар компьютер сирларини ўрганишади. Уларнинг жисмоний бақувват бўлишлари учун спорт тўғрисидаги фаолият кўрсатиб турибди. Шунингдек, тарбияланувчилар бўш вақтларида расм чизиш, бичиш-тиқиш, каштачилик, нақш ишлаш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш билан машғулдилар. Маскандан ҳуқуқатимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар айтиш жоғизки, ҳар қандай оилалардан асло фарқ қилмайди. Кенг, ёруғ ётоқхоналар, шинам ошхона ва бошқа хоналар фикримизга далил бўла олади.

Ҳа, бағрикенг халқимиз келажақ авлодга ғамхўр. Уйғониш, яшариш, нафосат, меҳр-оқибат айёми барча юртдошларимизга кутлуғ келганидек, мурғак қалб соҳибларига ҳам эзгулик улашди.

**Азизга ФАЙЗИЕВ, «Постда» мухбири.**

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ** олган суратлар.

## Хабарлар

### ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР БАҲСИ

ИИБ Академиясида Баркамол авлод йили ҳамда Наврўз байрамига бағишлаб «Жиноятларнинг олдини олиш фаолияти» мутахассислиги бўйича таълим олаётган 3-курс тингловчилари ўртасида қувноқлар ва зуқколар мусобақаси ўтказилди. Унда «ҲООб» ва «Қайтмаслар» гуруҳи ўзаро куч синашди. Иштирокчилар саломлаштириш, уйга топшириқ, зуқколар баҳси, муаммо ва ечимлар, касб

ҳангомалари, полвонлар баҳси каби шартларни бажаришди. Эркин мавзу бўйича эса ўзлари танлаган газал, шеър, куй, қўшиқ ва рақсларни ижро этдилар. Ҳар бир шарт бўйича гуруҳ аъзоларининг билими, маҳорати ва қобилияти ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди. Мусобақада «Қайтмаслар» гуруҳи ғолиб, деб топилди.

Тадбирдан сўнг жиноятларнинг олдини олиш кафедраси бошлиғи,

полковник, профессор И. Исмоилов сўзга чиқиб, ўшбу беллашув ўтказилишини қўллаб-қувватлаб, яқиндан ёрдам берган Академия раҳбарияти, шунингдек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети, Абдулла Қодирий номидаги Маданият институти раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

**Зухра БҮРИЕВА.**

Темир йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтиш инсон ҳаёти учун хавфлидир. Шу боис мавжуд йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш катталарни ҳам, болаларни ҳам турли кўнгилсизликлардан сақлайди. Буни эътиборга олиб Тошкент транспорт ИИБ профилактика хизмати томонидан кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

### ҚОИДАЛАР ҲАММА УЧУН

Яқинда пойтахтнинг Яққасарой туманидаги 127-ўрта мактаб ўқувчилари билан бўлиб ўтган учрашув ҳам ана шу масалага бағишланди. Тадбирда иштирок этган Тўқимачи тармоқ ИИБ ВЕОХООГ инспектори, катта лейтенант Дилмурод Жумабоев йиғилганларга темир йўл билан боғлиқ қонун-қоидалар, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳақида атофлича тушунча

берди. Бу борада рўй бераётган бахтсиз ҳодисалар ҳақида мисоллар келтириб ўтди.

Шунингдек, учрашувда одам савдоси, гиёҳвандлик, терроризм ва диний экстремизм каби иллатлар ҳамда уларга қарши қураш бўйича атофлича сўз юритилди.

**Раъно ҲОЖИХОНОВА.**

Суратда: тадбирдан лавҳа.

**Муаллиф олган сурат.**



**Норали АСЛОН,** журналист.

2010 йил – Баркамол авлод йили

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури талаблари...

ЁШЛАР УЧУН УЛКАН ИМКОНИЯТ



Тадбирларини ташкил этиш, соғлом ва ҳар томонлама камол топган...

муада фаолият олиб борадиган бўлди. Бу ерда ВЕОХООГ учун алоҳида...

ёшларнинг нафақат истеъодларини рағбатлантириш, балки уларнинг...



Суратларда: мажмуа фаолиятдан лавҳалар. Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

Бу ерда тасвирий санъат, «Сиз қонуни биласизми?» ва бошқа мавзулардаги...

Бир сўз билан айтганда, Охунбоев туманида ташкил этилган «Баркамол авлод» мажмуаси ёшларнинг...

Бүрибой ОМОНЗОДА, подполковник.

Амалиёт

ТИНГЛОВЧИЛАР ВИЛОЯТЛАРДА

Ҳар йили республика ИИБ Академиясининг битирувчи курс тингловчилари билимларини амалиётда тўғри қўллаш, касб сирларини пухта ўрганиш учун жойларда амалий машғулот ўтайдилар.

НАВОЙИ. Вилоят ИИБ маърифат залида ИИБ Академияси вакиллари, вилоят ИИБ раҳбарияти, амалиётга келган тингловчилар, уларга бириктирилган мураббийлар ва ота-оналар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда юксак интизоми, хизматга лаёқати, билими ва маҳоратини намоён этиб, тенгдошларига намуна бўлаётган тингловчиларнинг ота-оналарига ИИБ Академияси раҳбариятининг ташаккурномалари топширилди.

Абдухшом ЗИЁДИНОВ, лейтенант.

СУРХОНДАРЁ. Вилоят ИИБ мажлислар залида амалиётни ўташ учун келган бир гуруҳ тингловчилар билан бошқарма, бўлим, бўлинма бошлиқлари ҳамда ота-оналар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Шундан сўнг ўқиб даврида ўз тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёш мутахассисларнинг ота-оналари номига ИИБ Академияси раҳбарияти йўллаган миннатдорлик хатларини топширди.

Абдумалик ТАНГРИКУЛОВ, майор.

СИРДАРЁ. Вилоят ИИБ кичик мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларига ҳужжатлари расмийлаштирилган номзодлар ҳамда Академия битирувчилари, уларнинг ота-оналари иштирокида учрашув ўтказилди.



зилди. Уни вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Олимжон Абдуллаев кириш сўзи билан очди.

Сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси масъул ходими, катта лейтенант Ф. Хатамов яхши хулққа эга, интизомли, аъло баҳоларга ўқитган тингловчиларнинг ота-оналарига Академия раҳбариятининг миннатдорлик хатларини топширди.

Назиржон ЙЎЛДОШЕВ, катта лейтенант.

Суратда: Гулистон шаҳар ИИБ профилактика инспектори, катта лейтенант Уткир Қодиров тингловчиларни амалиёт билан таништирмақда.

Муаллиф олган сурат.

ҚАШҚАДАРЁ. Вилоят ИИБда республика ИИБ Академиясининг битирувчи курс тингловчилари ва уларнинг ота-оналари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда ўтган давр мобайнида ўқиб ва амалиёт ўташ жараёнида бошқаларга ўрнак бўлаётган бир гуруҳ тингловчиларнинг ота-оналарига ИИБ Академияси раҳбариятининг Фахрий ёрлиғи ва ташаккурномалари берилди.

Содиқ РАҲИМОВ.

ТОШКЕНТ. Жорий йилнинг 29 мартдан ИИБ Академияси битирувчилардан бир гуруҳи Тошкент вилоятининг Қибрай, Зағиота ва Уртачирчиқ туманларида амалиёт ўтамоқда.

Амалиётнинг биринчи кунини тингловчилар ва уларнинг ота-оналари иштирокида бошқарма мажлислар залида ўтказилган йиғилиши вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Ш. Рўзमतов очиб, тингловчиларга амалиёт мобайнида тажрибали мураббийлар бириктирилганлиги, ушбу даврда имкон қадар устозларнинг хизмат тажрибала-ридан ўзларига керакли бўлган билим ва кўникмаларни олишлари уларнинг келгуси фаолиятида асқотилиши алоҳида таъкидлади.

Аъло ўқиши ва намунали хулқи, жамоат ишларидаги фаоллиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган бир гуруҳ тингловчиларнинг ота-оналарига ИИБ Академияси раҳбариятининг миннатдорлик мактублари топширилди.

Хуршид РЎЗИЕВ, лейтенант.

Хотира уйгонса гўзалдир ЎТГАНЛАР ЁДИ

Юрт тинчлиги, халқ осойишталиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бирidir.

Кўни кеча Урганч туманидаги Фойбу қишлоғида вилоят ИИБ ЙХБ ходими, старшина Фарҳод Собиров хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

1999 йил 30 март кўни «Саримой» қўргони ҳудудида содир этилган мудҳиш воқеалар ҳали-ҳануз ҳеч қимнинг ёдидан чиққани йўқ. Динни ниқоб қилиб олган бир гуруҳ қуролланган жиноятчилар автобусдаги йўловчиларни гаровга олишди.

Шундан сўнг Урганч тумани Фойбу қишлоғининг «Оёқбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари ҳамда мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар сўзга чиқиб, Фарҳод Собировнинг жасоратини ёдга олишди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, майор.

Хоразм вилояти.

Анжуман АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улардан келадиган талафотларни камайтиришда аҳолининг бу борадаги билими ва тайёргарлиги катта аҳамият касб этади.

Тадбирда вазирликнинг Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи, майор Фахриддин Гуломов ва Фавқулодда вазиятлар бошқаруви маркази хизмат бошлиғи, капитан Хуршид Садиқовлар баҳор-ёз мавсуми даврида мамлакатимиз ҳудудларида сел, кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, тегишли давлат хизматлари ва идоралари томонидан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, уларнинг натижалари ва келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида сўз юритишди.

Зухра БҮРИЕВА.

ИИБ Матбуот маркази хабарлари

«УДДАБУРОН» ҚИЗЛАР

Номаълум шахслар Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани Нукус кўчасида жойлашган уйларнинг бирида яшовчи Александр Пакнинг хонадонига қалит танлаш йўли билан кириб, у ердан 7250 АҚШ доллари, 100 минг сўм пул, 10 турдаги заргарлик буюми ва аёллар кўл соати ўйрлаб кетишди.

ОГУ ЙЎЛИГА ҒОВ

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ИИБ ва МХХ ходимлари

ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда гиёҳвандлик моддасини сотишга уринган икки нафар шахс қўлга олинди. Шайхали қўргонда жойлашган нефть маҳсулотларини тарқатиш базаси олдида Фузор туманида яшовчи Т. Нормурод ва унинг ҳамтовоғи, қосонлик Б. Алишер 1001,55 грамм геронини 5000 АҚШ долларига сотишгаётганда тузоққа тушишди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Терговни ИИБ олиб бормоқда.

ТИЛЛА ЗАНЖИР ЯНА ЭГАСИДА

Йигит киши ўзганинг, айниқса, аёл кишининг мулкига тажовуз қилса хунук кўринаркан. Тошкент туманида яшовчи А. Зиёдуллани шундан йўлдан урдики куппа-қундуз

куни аёл кишининг бўйнига чанг солди. Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида яшовчи уй бекаси Холзода Матчоновна Бунёдкор қўчасида жойлашган ер ости йўли-да ўтаётганда нияти бузуқ йигит аёлнинг бўйнидан тилла занжирни қўчиб қолди. Бироқ занжир унга насиб қилмади. Шу ерда хизмат олиб бораётган ички ишлар ходимлари Зиёдуллани ушлаб қолишди ҳамда тилла занжир эгасига қайтарилди. Жиноятчи эса қилмишига яраша жазо оладиган бўлди.

ЙЎЛТЎСАРЛАР

Наманган вилояти Қосоний туманида яшовчи Ҳаким Исоқов пойтахтимизнинг Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб борарди. Кутилмаганда қаршисидан уч но-

маълум шахс чиқиб қолди. Улар йўловчини куч ишлатиш йўли билан кўрkitиб, уяли телефони, 200 минг сўм пули ва 300 АҚШ долларини олишди. Йўлтўсарлар бир зумда жудфакани ростлашди. Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Наманган вилояти Учқўргон туманида яшовчи О. Толиб ва тошкентлик З. Шерзод содир этгани аниқланиб, қўлга олинди. Уларнинг яна бир шеригини аниқлаш ва ушлаш чоралари қўрилди.

Энди йўлтўсарлар қонун олдида қилмишларига яраша жавоб беришади.

Норали ОЧИЛОВ, ИИБ Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.

Тадбирлар

Наманган вилояти ИИБ тергов бошқармаси ҳамда унинг қўйи тизимлари шахсий таркиби ўртасида «Энг яхши терговчи» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

ТЕРГОВЧИЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Дастлаб спортнинг 100, 3000 метрга югуриш, тўсында торттириш, ўқ отиш турлари бўйича ўз маҳоратларини синаб кўрган терговчилар беллашувнинг иккинчи қисмида тест имтиҳонлари топширишди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, Наманган шаҳар ИИБ тергов бўлими катта терговчиси, катта лейтенант Мираббос Мирсаидов биринчи ўринни эгаллади.

ўрганувчиси, лейтенант Илҳом Париев иккинчи ўринни қўлга киритди. Учунчи поғона эса вилоят ИИБ тергов бошқармаси катта терговчиси, капитан Элдор Тожибоевга насиб этди.

Ғолиблар пул мукофоти билан тақдирланиб, кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма олдилар.

Абдуманноб АҲМЕДОВ, капитан. Наманган вилояти.

МАШҒУЛОТ ЎТКАЗИЛДИ

Асака туманидаги Автомобилсозлик касб-хунар коллежида Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунини ўрганишга бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилиш жараёнида коллежда соҳа ходимлари томонидан амалий машғулотлар ўтказилди ҳамда ўқувчиларга ёнғин учирлиш воситаларидан амалий фойдаланиш усуллари ўргатилди.

Н. МАМАЖОНОВ, майор. Андижон вилояти.

Ўқув-семинар

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ КЎНИКМА

Бухоро вилояти ИИБ ЁХБда отряд командирлари, ҳарбийлаштирилган ва касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари бошлиқлари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Ишлаб чиқилган дастурга асосан ҳар бир йўналиш бўйича бошқарманинг тажрибали ходимлари томонидан машғулотлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ёнғин хавфсизлиги иш фаолиятини таъминлашга оид саволларга ечим топиши билан бирга мавжуд камчиликларни бартараф этиш, янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш имконини ҳам бергани таъкидланди.



Кўннинг иккинчи ярмида семинар қатнашчилари билан Бухоро шаҳридаги Озқ-овқат ва енгил саноат олийгоҳи ётоқхонаси биносида химояловчи газниқоб билан иссиқ тўтунхоналарда бўлиш, шунингдек, амалий тактик ҳамда ўқув минорасининг 3-қаватида ишқол қилиш нарвони орқали чиқиш машғулотлари ўтказилди.

Хизмат сафари давомида ходимларнинг олган билими ва тажрибасини мустаҳкамлаш мақсадида тест синовлари қабул қилинди.

Наргиза АЙНАЗАРОВА, кичик сержант. Бухоро вилояти.



«01» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 242 та ёнғин содир бўлди. Улар тўғрисида етказилган моддий зарар миқдори 3,5 млн. сўмдан ортиқни ташкил қилди.

Самарқанд вилояти Самарқанд тумани, «Даштаки-бола» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи А. Каримовнинг хонадонида электр мосламалардан нотўғри фойдаланиш оқибатида ёнғин чиқди.

Андижон вилоятининг Андижон шаҳри, Байналмидал кўчасида яшовчи М. Абдуллаевнинг ошхонасига ўтказилган газ қувурининг жўмрағидан газ сизиб чиқиб, хо-

нага газ тўлиб қолган. Унинг ҳидини сезмаган уй эгаси чўй кўйиш мақсадида гугурт ёққанида қақнаш содир бўлиб, 40 фойзли куйиш тан жароҳати олган.

Тошкент вилояти Қибрай тумани, Бирлик маҳалласида яшовчи Ҳакимовнинг молхонаси-аланга ичида қолди. Оқибатда молхонанинг 80 кв. метр майдондаги томи, шифти ёниб, 3 бош қорамол нобуд бўлди.

Азиз юртдошлар, биз ҳафта давомида қайд этилган ёнғинларнинг айримларини келтирдик, ҳолос. Шунинг унутманки, ҳаётимиз ва мол-мулкимизни ўт балосидан асраш ўз қўлимизда. Шундай экан, ҳар доим ҳушёрликни унутмайлик.

Улугбек ВАҒОЕВ, капитан.





9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

ЖАНГЧИ-ПОСБОННИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Ховлидаги ўрик яна оппоқ бўлиб гуллади. Болариларнинг гулдан гулга қўниб, визиллаб учишини диққат билан кузатиб ўтирган Каримбой ота беихтиёр болалигини эслади.

Ўтган Каримбой ўта муҳим объект ҳисобланган ўқ-дорилар сақланадиган омборни қуриқлаш гуруҳида хизмат қила бошлади. Жанг майдонида ўқ-дориларни талафотсиз, ўз вақтида етказиб бериш ниҳоятда қийин ва масъулиятли вазифа эди. Бундай муҳим топшириқни ҳар қандай қалтис вазиятда ҳам аъло даражада урдадан жангчиларнинг қўлига етказиб бериш зарур эди. Қўмондонлик томонидан ушбу вазифани зудлик билан бажариш бизнинг гуруҳимизга топширилди. Қўмондонлик томонидан ушбу вазифани зудлик билан бажариш бизнинг гуруҳимизга топширилди. Қўмондонлик томонидан ушбу вазифани зудлик билан бажариш бизнинг гуруҳимизга топширилди.

Кайинчи йиллар. Эндигина олти ёшга қадам қўйган Каримбой ерни чопишга кучи етмас-да, отасига егулик олиб бориб берар, эртадан кечгача даладан чиқмасди. Ҳаёт қийинчиликларини бошидан кечириётган Хударган ота болаларини очликдан омон сақлаб қолиш учун тинмай ишларди. Шундай оғир дамларда ҳам ўз фарзандларини ўқимишли, маърифатли инсон қилиб тарбиялашга интиланган отахон кенжаси Каримбойни ҳам қишлоқдаги мактабга олиб борди. Каримбой кўн билан ўқиди, кўп ўтмай синфнинг энг аълочи ўқувчисига айланди. Сақкиз йиллик мактабни муваффақиятли тамомлаб, икки йил деҳқончилик билан шугулланди.

Қўмондонлик томонидан ушбу вазифани зудлик билан бажариш бизнинг гуруҳимизга топширилди. Қўмондонлик томонидан ушбу вазифани зудлик билан бажариш бизнинг гуруҳимизга топширилди. Қўмондонлик томонидан ушбу вазифани зудлик билан бажариш бизнинг гуруҳимизга топширилди.

Қаҳратон қиш, – дея хотирлайди Каримбой ота бироз хаёл сурганча. – Тиш-тирноғигача қуролланган душманнинг тўхтовсиз ҳужуми вазиятини анча қийинлаштириб қўйганди. Газандаларни тор-мор қилиш учун жангчиларимизга етарли миқдорда ўқ-дори захираси зарур эди. Қўмондонлик томонидан ушбу вазифани зудлик билан бажариш бизнинг гуруҳимизга топширилди. Қўмондонлик томонидан ушбу вазифани зудлик билан бажариш бизнинг гуруҳимизга топширилди.

1950 йил урушдан қайтган Каримбой Худойберганов эл-юрт осойишталигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида Хоразм вилояти ИИБ кадрлар бўлимига мурожаат қилди. Олти ойлик синов муддатидан муваффақиятли ўтгач, Урганч шаҳар ИИБ патруль-пост хизматида қабул қилинди. К. Худойберганов зиммасидаги вазифаларни ўз вақтида бажариш билан бирга ИИБ Таш-



Каримбой ота турмуш ўртоғи, моҳир педагог Гулчеҳра ая билан 11 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Улар айна кунларда турли соҳаларда сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Ота изидан борган истеъдодаги подполковник Анвар Худойберганов (марҳум) узоқ йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилди. Қизи Хуршида Худойберганова эса айна пайтда вилоят ИИБга қарашли манзил маълумотлар бюросига раҳбарлик қилапти.

олдини олиш ва унга қарши курашда самарали натижалар қўлга киритилди. Айна кунда ҳам у вилоят ИИБ Фахрийлар кенгашининг фаол аъзоларидан бири. Каримбой ота ёш ҳодимлар, ўқув муассасалари талабалари билан ўтказилаётган учрашувларда иштирок этиб, ҳаётида учраган воқеалардан сўзлаб беради.

Каримбой ота турмуш ўртоғи, моҳир педагог Гулчеҳра ая билан 11 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Улар айна кунларда турли соҳаларда сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Ота изидан борган истеъдодаги подполковник Анвар Худойберганов (марҳум) узоқ йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилди. Қизи Хуршида Худойберганова эса айна пайтда вилоят ИИБга қарашли манзил маълумотлар бюросига раҳбарлик қилапти.

Каримбойдек тажрибали, эл-юрт назарига тушган ҳамкасбим борлигидан фахрланаман, – дейди 91 ёшни қаршилаган истеъдодаги капитан Уринбой ота Абдукаримов. – Мана, узоқ йиллардан буён у би-

лан бир маҳаллада истиқомат қилман. Шунга фахр билан айтишим керакки, бу ерда ўтказилган ҳар бир тадбирда у кишининг ўрни бор. Анча ёшга бориб қолган бўлса-да, ташкил этилаётган тадбирларни йигитларга хос чаққонлик билан суратга олиб, маҳалладошларига совға қилади.

Юртбошимизнинг «Иккинчи жаҳон урушидаги галабанинг 65 йиллиги нишонлини муносабати билан 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларни муқофотлаш тўғрисида»ги Фармони бизни беихтиёр қувонтирди, – дейди Каримбой ота.

Уруш ва меҳнат фахрийси, истеъдодаги майор Каримбой ота Худойберганов бу йил 86 ёшга тўлади. Ўз ҳаётини Ватанга садоқат билан хизмат қилишга бахшида этган бу инсоннинг сермазмун ҳаёт йўли ёшларга ибрат бўлгусидир.

Худойберган ЖАББОРОВ, «Постда» мухбири.

Хоразм вилояти.

Суратда: уруш ва меҳнат фахрийси, истеъдодаги майор Каримбой ота Худойберганов турмуш ўртоғи Гулчеҳра ая Оллаёрова билан суронли йиллар ҳақида сўхбатлашмоқда. Муаллиф олган сурат.

Болалар спорти

БАРКАМОЛ АВЛОД – СПОРТДАН ШОД

Ҳар бир давлатнинг келажаги ёш авлод қай даражада камол топаётганига чамбар-час боғлиқ. Зеро, мамлакатимизда бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида жисмоний ва маъ-

навий жиҳатдан етук авлодни тарбиялаш вазифасига давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Зеро, ёшларнинг соғлом турмуш тарзига интилиши ва спортга меҳрини ошириш борасида шарт-шароитлар яратиб бериш,

болалар оммавий спортини жойларда ривожлантириш, Ватанга садоқатли, келажакка ишонч билан қарайдиган ўғил-қизларни тарбиялаш, улар орасидан истеъдодли спортчиларни етиштириш асосий мақсад қилиб белгиланди.



ЁШ БОКСЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мамлакатимиз ёшлари халқаро мусобақаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Айниқса, чарм қўлқоп усталари эришяётган ютуқлар мактовга сазовордир. Ташкент, Андижон каби Хоразм бокс мактаби ҳам кўплаб иқтидорли спортчиларни тарбиялаб етиштирмоқда.

Баркамол авлод йили муносабати билан «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жаҳми яхши муносибатида 1996-1997 йилларда тузилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди. Унда воҳанинг турли жойларидан келган 400 нафардан зиёд ёш боксчилар ўзаро баҳс олиб боришди.

Мусобақага пухта тайёргарлик қўрган Урганч шаҳар жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Урганч ва Хива туманлари вакилларига насиб этди. Мurosасиз ўтган беллашувларда ўзининг юксак маҳорати билан аяқол устуликка эришган урганчлик

мулли ўтказиб, спорт билан мунтазам шугулланса хуқуқбузарлик ёки жиноятга қўл урмайди. Бунга пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Сарҳумдон маҳалласидаги 358-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Камолдин Абдуҳакимов яхши англаган ҳолда болаларни спортга жалб этишда жонбозлик кўрсатмоқда. Маҳаллада бундан тўрт йил муқаддам барпо этилган спорт майдончаси ҳозирда ёшларнинг сеvimли масканига айланган. Майор К. Абдуҳакимов маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мавлуда Алимова билан бамаслаҳат турли спорт тўғрисида ташкил этган. Бунинг самараси ўлароқ, футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка бўйича беллашувлар ўтказилапти.

Илгари фақат қизиқиши бор болани спорт билан шугулланишига мактаб, мурабийлар ва шу соҳа мутахассислари эътибор қаратган бўлса, бугунги кунда тадбир-

кору фермергача, қўйинги, барча ўз ҳиссасини қўшмоқда, – дейди майор К. Абдуҳакимов. – Маҳалламиз болаларининг спортга бўлган иштиёқи баланд. Ёш авлоднинг ўзи суйган спорт тури билан яқин ошно бўлишга қўмақлашсангиз у Ватани, маҳалласи, мактаби, оиласи олдидаги бурчини шунчалик чуқур, масъулият билан ҳис этади. Юрта муносиб фарзанд бўлишга интилади. Маҳалладаги болалар спорт майдончаси ҳамда «ЖАР» ССМда спорт билан шугулланиб, жисмонан чиникиб боришапти.

Азизжон ФАЙЗИЕВ, «Постда» мухбири. Суратда: маҳалла болалари майор К. Абдуҳакимов билан бирга. Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.



Боксчилар Сирож Эшчонов, Темур Рўзметов, Қўшқўпирлик Руслан Паноев, хивалик Мирзабек Пирназаровлар мутахассис ва мурабийлар эътирофи сазовор бўлишди. Мусобақа ғолиблари «Динамо» ЖТСЖнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Худойберган ЖАББОРОВ, «Постда» мухбири. Суратда: ғолиб жамоа. Мирзабой АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Футбол бўйича Жаҳон чемпионати олдидан

Футбол кўнгилларни жунбушга келтириб, бир олам қувонч олиб келувчи спорт туридир. У чинакам миллионлар ўйини. Севган жамоасининг галабасидан қувончи ичига сиймайдиган ва аксинча, унинг мағлубиятидан афсусланган муҳлисни ҳақиқий ишқибоз дейишимиз мумкин. Бундан тўрт йил олдин Германияда бўлиб ўтган футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг шиддаткор баҳслари, шов-шувли финал учрашуви, Зидан ва Матеррацци моҳоратини ҳануз эслаймиз. Шиддаткор вақт тўрт йилни ортада қолдирди. Яна



Миллионлар ўйини. Уругвай мустақиллигининг 100 йиллиги муносабати билан ушбу мамлакатда ўтказишга қарор қилди ва 100 йиллик маъносини берувчи «Сентанарио» стадиони қурилди. Бу чемпионат инжиқликларга тўла бўлди. Кўплаб Европа давлатлари Уругвайга боришдан бош тортишди. Мусобақада бир қўли футболчи Эктор Кастро Уругвай жамоаси таркибига майдонга тушди. Аргентина ва Уругвай ўртасидаги финал учрашувида ҳар икки жамоа ўз тўпларида ўйнашни исхатлаб, инжиқлик қилганлар. Ниҳоят қуръа ташлаш натижасида Аргентина тўпи билан ўйнаш маъжул топилди. 1934 йили ФИФА иккинчи Жаҳон чемпионати Италияда бўлиб ўтишини эълон қилди. Мазкур чемпионатда майдон эгалари ғолиб бўлди. Финалда Италия Чехословакия устидан 2:1 ҳисобда галаба қозонди.

Халқ ўйинлари

ОРЗУ-УМИДЛАР РЎЁБИ

Қадимги Ажам ўлкаларининг энг улуғ, халқона байрамларидан бири саналиб келган ва бугунги кунда ҳам энг азиз байрам сифатида ўз қадр-қимматига эга Наврўзи олам шуқуҳи диёримизда кезиб юрибди.

Наврўз – табиатнинг ўйғониши, дилларда зғуликнинг бошланиши. У барчани олижаноб фазилатларга, шодликка, меҳнатга, бирдому бардамликка ундайди. Бу байрамда баҳорий таомлар тайёрланиб, ўйин-кулга авж олади. Хотин-қизлар дугор чертиб, доира чалиб қўшиқ ва лапарлар ижро этишади, йигит-қизлар тилдан-тилга ўтиб келётган халқ оғзаки дурдониси бўлиши айтишувлар, термалар айтишади, рақсга тушишади. Ҳамма тўп-тўп бўлиб ўз тенгқурлари билан давра ташкил қилиб ўйнаб-қулади, дилдан сўхбат қуради, мириқиб дам олади.

Бу шундай мўътабар байрамки, ўтган асрларда агар юрда уруш кетаётган бўлса, шу кунга маълум муддатга уруш тўхтатилган, бир-бири билан уришганлар ярашишган, кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб, кўнгиллари кўтарилган, хайр-эхсонлар берилган. Оммавий сайил ташкил этилиб, камондан найза отиш, чавандозлик, шеърхонлик уюштирилган.

Наврўз қадимий бўлиши билан биргаликда бу байрамда ўтказиладиган ўйинлар ҳам ўта қадимий. Ўйинларда ёвузлик устидан зғулик, зулмат устидан ёруғликнинг ғолиб бўлиши тарғиб этилади. Халқ ўйинлари хилма-хиллиги, қизиқарлиги, бирликка чорлаши билан тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳар бир ўйиннинг мазмуни, мақсади бор. Туркий қавмлар етти кун мобайнида от ва туя уриштириш томошаларини ўтказиб, уларнинг ҳаракати қараб туриб йилнинг баракали ёки кам ҳосил бўлишини тахмин қилганлар. «Кўчор уриштириш», «Хўроз уриштириш», кўпқари, полвонлар беллашуви сингари ўйинлар ҳам қадимийдир. Наврўз байрамида, халқ сайилларида ва тўйларда кўчор уриштириш дууми

замрида қўт-барақа, эл-юрт хотиржамлиги, серҳосиллик ғоялари мужассам. У барақа, хайр-саховат тимсоли деб қаралган. Қадимданқ бу жангивор боқилаётган жойга ёвуз қучлар яқин келолмайди, хонадонни ёмон кўздан асрайди, деган рамзий туюнчалар мавжуд.

Қадимги ўзбек мифологиясида икки ўрқачли туя образи ҳоқимият ва давлат, бахт, омад, қуч-қўдат сифатида тасаввур қилинган. Ўтган асрларда Наврўз байрамда янги йилда янги ҳосил мўл бўлишига магик таъсир кўрсатиш мақсадида рамзий маънода «туя уриштириш» ўйини ўйналган. Туя уриштирилиши – баракали, серҳосил йил белгиси деб қаралган.

Кўпқари ўйинида эса чавандозлик сирлари мужассам бўлиб, у чаққонликка, эпчилликка, ҳалол ва мардликка ундайди. Миллий ўйинимиз кураш эса соғломликни, танти ва жасурликни тарғиб этади. Хуллас, ҳар бир ўйиннинг ўзига хос хусусияти мавжуд. Ҳозир қадимий ўйинлар каторидан турли спорт мусобақалари, зехни чархловчи баҳри байтлар, зукколик баҳслари ҳам ўрин олган. Ўйинлар туридан қатъи назар биз ишонамизки, кишиларга сийхат-саломатлик, завқ-шавққа тўла меҳнат, ҳаётга муҳаббат, элу юртимизга бахт-саодат келтиради. Зеро, ўзлгини, тарихини билмаган, севмаган, эъзозламаган халқ – халқ эмас, манқуртдир. Биз эса қадимий байрамимиз, удулларимиз, аъналаримиз билан фахрланамиз.

Зебо ОМОНОВА.



зилиялик Леонидес Жаҳон чемпионатининг энг кўзга кўринган ҳужумчиларидан бири эди. Аммо Бразилия бош мураббийининг галати қарори билан Бразилия – Италия ўртасида ўтган ярим финал учрашувида у ўйинга қўйилмади. 1950 йили Жаҳон чемпионати Бразилияда ўтказилди. Чемпионат айнан ушбу мамлакатда ўтказилишига бир қанча сабаблар бор. Биринчидан, Иккинчи жаҳон урушининг нафаси Жанубий Америкага бориб етмаган ҳамда Бразилия қитъа чемпионати бўлиб улгурганди. Яна бир томони, футбол бразилияликлар учун юксак

санъат даражасига етган ҳамда улар ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланарди. Албатта, бу чемпионат ҳам эсда қоларли воқеалардан холи эмасди. Барча Бразилия ғолиб бўлишига амин эди. Лексин Уругвай терма жамоаси финалда Бразилияни мағлуб этди. Швейцарияда ўтган бешинчи Жаҳон чемпионати ўзига хос бўлган. Сабаби, ФИФА илк бор телевидение орқали ўйинлар намойишини йўлга қўйди. Шу билан бирга, футболчилар ўз рақамига эга бўлди. Дурдона АБДУВАХОВА тайёрлади.



